Ушбу сонда:

2 ФЕРМЕР ҚИШЛОҚДА КАТТА КУЧ

3 УМУМХАЛҚ ИШИГА АЙЛАНГАН ДАСТУР

4 СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ

ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 26 октябр, чоршанба № 174 (2015)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Шаҳрисабз тиббиёт коллежида йигит ва қизлар уч мутахассислик бўйича билим олишмоқда. Илм маскани керакли жиҳозлар билан тўла таъминланган. Ёшлар ўз билимларини амалиётда қўллашлари, спорт тўгаракларида шуғулланишлари учун барча шароит муҳайё этилган.

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар

Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар



МАҲАЛЛАДА - ШИФО МАСКАНИ

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида ташкил этилаётган хусусий даволаш муассасаларининг сони кўпаймоқда. Қарши шаҳридаги Ойдин маҳалласида ана шундай масканлардан бири иш бошлади.

Маҳалла фуқаролар йиғини кўмагида ташкил этилган мазкур тиббий муассасада ташхис қўйиш, касалликларни физиотерапия ва бошқа усулда комплекс даволаш бўйича малакали хизмат кўрсатилмоқда.

- Мазкур шифо масканида маҳалла фуқаролар йиғини билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган,- дейди тиббий муассаса раҳбари, олий тоифали врач Фотима Боймонова. - Йиғин тавсиясига асосан, маҳалладаги ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар ва ногиронларга бепул тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Меҳнат ва рағбат

КАСАБАҚЎМ БЕРГАН ГИЛАМ, ТЕЛЕВИЗОР

Қўшниларникига гурунглашгани чиққан умр йўлдоши уйига қайтганида Юсуф ака меҳмонхонага чўғдай гулдор гиламни тўшаб, рангли телевизор томоша қилиб ўтирган эди.

— Тинчликми, дадаси? - деди ҳайратини яширолмай уй бекаси. - Бундай қимматбаҳо буюмларни қаердан олдингиз?!

— Отасига раҳмат, раҳбарларимизнинг, - деди Юсуф ака кувонч билан. - Бугун раҳбаримиз катта йиғилиш ўтказиб, кўпнинг олдида маъмурият ва касабақўм номидан мана шу гилам ва телевизорни мукофотга берди.

Ўттиз йилдан бери токарлик касбини улуғлаб келаётган Юсуф Ғаниевнинг меҳнатлари муносиб қадрланмоқда. Ватан ва халқ олдидаги фидойи хизматлари учун "Шуҳрат" медали ва "Дўстлик" ордени билан мукофотланган. Берилган топшириқларни виждонан адо этаётганлиги ва ҳар бир ишни юқори сифатли қилиб бажарганлиги эвазига маъмурият ва касаба уюшма томонидан қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланди.

Косон пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамиятида меҳнат аҳли тўғрисида ғамхўрлик кучайтирилганлиги натижасида муваффақиятга эришилаяпти. Корхона бу йилги мавсумда 2800 дан ортиқ фермер хўжалигидан 70 минг тоннадан зиёд пахта қабул қилди. 934 нафар ишчи хизматчи, инженер-техник ходим ишлаётган жамоанинг иқтисодий салоҳияти ўсиб бораяпти. Жорий йилда 222 миллион сўм соф фойда олиш мўлжалланмоқда.

Даромад кўпайгани сари моддий манфаатдорлик ортиб бораяпти. Йил бошидан 200 дан ортиқ ходимга ойлик маошдан ташқари мукофот учун 1,5 миллион сўм нақд пул, 4 миллион сўмлик қимматбаҳо буюмлар, 80 тонна мол озуқаси, уй- жойларни таъмирлаш учун цемент, шағал ва бошқа қурилиш материаллари келтириб берилди.

Маъмурият билан тузилган жамоа шартномасида ходимларга қатор имтиёз ва енгилликлар бериш келишиб олинган. Энг муҳими инсон меҳнати муносиб рағбат топаяпти. Ҳозирга қадар ишчиларга мукофотга бешта телевизор, 60 та гилам, 50 та магнитофон берилди. Ишлаб чиқаришга муносиб ҳисса қўшганликлари учун катта усталар Довур Назаров, Зикир Шоймардонов, таъмирловчи Норхол Турсунова кабилар рангли телевизор ва гилам билан мукофотландилар.

Ходимларнинг бепул иссиқ овқати ва сут маҳсулотлари учун 5 миллион сўм, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ҳимоя воситаларига 18 миллион, кийим-кечак сотиб олишга 10 миллион сўм маблағ сарфланди. 16 кишига республикамиз сиҳатгоҳларида даволанишлари учун имтиёзли йўлланмалар тарқатилди. Илғор ишчилардан Чори Зикриёев, Бахтиёр Шамсиев, Шокир Пирназаров, Жўра Умиддуллаев, Дилфуза Очилова, Шоира Холмуродова, Мақсадой Назаровалар "Чинобод", "Турон", "Ситораи моҳихоса", "Қашқадарё соҳили" санаторийларида ҳордиқ чиқариб, соғликларини тиклашди. Ходимларнинг 95 нафар ўғил-қизи завод маблағи ҳисобидан оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Косон шаҳрининг Месит маҳалласидаги 2 нафар етим бола ҳомийликка олиниб, доимий ёрдам кўрсатилаяпти. Жамоада узоқ йиллар меҳнат қилиб, нафақага чиққан 10 нафар фахрийга ҳар ойда бир марта ун, гуруч ва ўсимлик ёғи тарқатилаяпти.

Ишлаб чиқаришда қисқа технологиянинг жорий этилиши корхонанинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб бурилиш ясади. Янги иш усулига ўтганимиздан сўнг барча иш жараёнлари битта бинонинг ўзида амалга ошириладиган бўлди. Ишлаб чиқариш такомиллашиб, сарф-харажатлар кескин камайди.

Иқтисодий ислоҳотлар самара бераяпти. "5ДП-130" русумли джин агрегати, "5ЛП" русумли линтер ускунаси, "ДА 8237" русумли гидропресс, тозалаш машиналари ўрнатилиши иш жараёнларини соддалаштириш имкониятини яратди. 2003-2004 йилларда реконструкция ишларини амалга оширишга 1 миллиард 300 миллион сўм харажат қилинди. Янги технология туфайли йилига электр энергиясидан 36 миллион, ўроб-боғлов материалларидан 56 миллион, эҳтиёт қисмлар сотиб олишдан 50 миллион сўм иқтисод қилинмоқда. Тежалган маблағ ходимларнинг моддий манфаатдорлигини яхшилашга сарфланаяпти.

М.ҚЎЙДОНОВ, корхона касаба уюшма қўмитаси раиси

Қурултойдан-қурултойгача

ЭНДИ КЕЧАГИ ОДАМЛАР ЭМАСМИЗ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳар бир тармоқ олдига муайян вазифаларни қўймоқда. Эскича фикр ва озгина хотиржамликка берилган киши даврдан орқада қоляпти. Бунга мисоллар жуда кўп. Мана шундай шароитда касаба уюшмалари қайси йўлни танлади? Ортиқча ваъдабозлик, қурук сафсаталарга ўрин бўлмаган бир шароитда жамоат ташкилотининг амалий ишлари нималарда кўринаяпти? Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси фаолияти мисолида юқоридаги саволларга жавоб ахтардик.

Давр, одамлар фикрлаши, қарашлари тамомила ўзгарди. Бугун қаёққа етакласанг кетаверадиган одамни учратиш қийин. Пуч ғоя, сафсаталарга қулоқ осадиганлар қолмади ҳисоб. Ўз ҳақ-ҳуқуқи, бурчини тўла англаган, соддадил, айни чоғда ҳуқуқий саводхон кишиларга ҳар қадамда дуч келасан киши. Касаба уюшмалари ана шундай одамлар ишончига киришга, амалий иш билан уларнинг ҳурматини қозонишга интилиб келаяпти.

Касаба уюшмалари ҳамиша халқ ташкилоти бўлган. Аммо узоқ муддат тизгин ўзга қўлларда эди. Мана бир мисол. Бундан анча илгари «Москва» (кейинчалик Тошкент) хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси сайловига шоҳид бўлганмиз. Раҳбар мажлисни олиб борди. Ўзларига манзур бўлган номзодни тавсия этди. Залда эса фақат маъқулловчиларгина қўл кўтариб тасдиқлашди. Хўш бу шароитда касабақўм кимга хизмат қиларди? У ҳал қилувчи паллада кимнинг ёнида турарди? Буёғи ўзингизга маълум.

Агросаноат мажмуи ходимлари Сирдарё вилоят кенгаши раиси Абдурашид Рустамов билан касаба уюшма ҳисобот сайлови йиғилишида ҳамроҳлик қилдик. Йўл-йўлакай кенгаш тавсия этаётган номзод билан қизиқдим. Раис бу масалада етти ўлчаб, бир кесиш лозимлигини айтди. Одатда шаҳар ва атроф туманларда бахс-мунозаралар қизғин тус оларди. Аммо биз олис қишлоқ тумани, аниқроғи собиқ Меҳнатобод (ҳозирги Ховос) чекка хўжалигига йўл олдик. 102 нафар фермер хўжалиги раҳбарлари ва ишчи вакиллари кутиб туришган экан. Собиқ хўжалик касаба уюшма ташкилоти етакчиси йиғилганлар ҳузурида ҳозир бўлиб ҳисобот маърузасига чоғланди. Аммо вакилларга унинг бирор сўзи етиб бормаётганлигини пайқаб турардик. Нега? Нечук касабақўм фаолиятига одамлар бефарқ бўлди. Тан олиш керак. Иқтисодий пароканда, қулоғигача қарзга ботган хўжалик далада ишлаган 550 нафардан зиёд меҳнаткашларни ўз ҳолига ташлаб қўйган. Оқибатда одамлар кўнгли ишдан совиб, юмушлар аро йўлда қолган. Ана шу шароитда касаба уюшма етакчиси ҳам ўзини аста панага олганлиги аён бўлди. Қишлоқ хўжалигида янги мулкдорлар пайдо бўлган иқтисодий ўсиш кутилаётган бир паллада ҳам етакчи ташаббусни қўлга ололмаган. Оқибатда нафақат етакчи, балки ташкилот ҳам тамомила назардан қолади. Ана шундай бир шароитда тармоқ кенгаши қўл қовуштириб турмади. Одамларда сўнаётган умидни аланга олдиришга эришди. Шу йиғилишда сўз олган Султон Саримсоқов мулоҳазаларини ҳозиргидек эслаб турибман.

- Фаолиятимизда адолат мезони сақланиши, одамлар ижтимоий муҳофазаси таъминланиши, ҳуқуқий меъёрлар устуворлигига эришиш учун касаба уюшма ташкилоти керак, - деган эди у. - Илгари хўжалигимизда битта раҳбар бўлса, энди 102 та раҳбар бор. Ҳар бири турли характер, хислатга эга. Улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи, меҳнаткаш ёнида турувчи ташкилотга эҳтиёж катта. Биз шундай одамни топишимиз керакки у шахс катта обрў-эътибори, билими, ташкилотчилиги билан жамоат ташкилотини бошқарсин. Тарози палласи шундай тортилсинки адолат мезонини оддий ишловчи ҳар лаҳзада ҳис қилиб турсин.

Тармоқ кенгаши масала ечимини ўртага ташлади. Тўғри у собиқ етакчи номзодини тавсия қилишга ҳақли эди. Аммо бу йўлдан бормади. Ҳаммаси фермерлар ва меҳнаткашлар вакиллари ихтиёрига ҳавола этилди. Собиқ Пахтакор, Янгиер хўжаликлари ҳудудлари аҳлини қамраб оладиган ҳудудий ташкилот етакчилигига кўпни кўрган Мурод Тўйчиев сайланди. Ҳудуд аҳлининг хоҳиш-истаги шундай бўлди. Раис ўзгарди. Фаолият ҳам тубдан янгиланди. Барча фермерлар жамоа шартномаси мазмунмоҳиятига тушуниб, хоҳишлари билан имзо чекишди. Ҳудуддаги 1,5 минг нафар дала ишчилари меҳнат ҳуқуқлари қонуний кафолатланди.

Аграр тармоқда меҳнат қилаётган 20 мингга яқин дала меҳнаткашлари ҳудудий ташкилот аъзолигига жалб этилди. Хўш, фаолиятини, иш кўламини тубдан янгилаган касаба уюшмаларининг ютуғи нималарда кўринаяпти. Янги мулкдорлар ишчиларни рағбатлантиришга қай йўсинда ёндошаяпти. Мана бир мисол. Гулистон туман тармоқ кенгаши таркибида 18 та бошланғич ташкилот бор. Шулардан 10 таси тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда фаолият юритади. Улар 7780 нафар меҳнаткаш муҳофазасига масъулдир. Ташкилот саъй-ҳаракати билан меҳнатга тўланадиган ҳақ кескин ошди. Айни чоғда дала ишчисининг ўртача ойлик маоши 60 - 80 минг сўмга тўғри келаяпти.

Бугунги кунда ўз ҳаракати билан меҳнаткашлар эътиборига тушган қуйи ташкилотлар оз эмас. "Чорвадор" хусусий чорвачилик фермаси бошланғич ташкилоти фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Тадбиркор ва касаба уюшма ҳамкорлиги самараси ўлароқ 41 нафар ишчи 2 маҳал бепул иссиқ овқат, ишчи коржомаси, мукофотумоддий кўмак билан мунтазам таъминлаб келинаяпти. Бошланғич касаба уюшма ташкилоти ташаббуси билан "Оқ олтин" туманидаги "Тўқмоқ ота" фермер хўжалигида ойлик маош 150 минг сўмга етказилди. Мирзаобод туманидаги Р. Қосимов номли фермер хўжалигида далада ишлаётганлар коммунал тўловлардан озод этилган. Хуллас бошланғич ташкилотлар мавқеи тадбиркорлар орасида ошаётгани, уларга суяниб-таяниб иш кўришга одатланаётган мулкдорлар сафи тобора кўпайиб бораётганлигини эътироф этиш даркор.

Янгиланиш жараёни барча тармоқларда кўзга ташланмоқда. Хусусан етакчиларни танлаш, илғор фикрли кишиларнинг сафга тортилиши касаба уюшма мавқеининг ошишига хизмат қилаяпти. Кейинги беш йилда касаба уюшма билан манфаатли алоқалар боғлашга, у билан ҳамкорлик кони фойда эканлигини тушуниб етаётганлар кўпайди. Чунончи бундан беш йил аввал иш берувчилар билан 1083 та жамоа шартномаси имзоланган бўлса бугунги кунда 5948 та ана шундай меъёрий ҳужжатга имзо чекилган.

Меҳнат муҳофазаси - юқори унумдорлик кафолати. Шу туфайли касаба уюшмалари бу масалага жиддий эътибор қаратиб келади. Бироқ айрим корхоналарда лоқайдлик бор. Ўтган беш йилда касаба уюшма ташкилотлари томонидан 744 та меҳнат жамоаларида текшириш ўтказилиб, 5474 ҳолатда қонун бузилиши аниқланган. 23 та дастгоҳ иши вақтинча тўхтатилиб 12 нафар мансабдор шахс жаримага тортилган. Касаба уюшма аралашуви билан 188 нафар меҳнат ногиронларига товон пуллари ундириб берилган.

Соғломлаштиришнинг асоси спортга ошнолик касб этишдадир. Бу борада ҳам вилоят касаба уюшмалари ибратли ишларга қўл урмоқда. Ҳудудда ташкилотнинг 8 та спорт жамиятлари, 190 та жисмоний тарбия ва спорт жамоалари фаолият олиб бораяпти. Жамоат ташкилоти "Гулистон" ўйингоҳини реконструкция қилишга 2004 йил 70 миллион, амалдаги йилда юз миллион сўм молиялаштирган. Шунингдек, қишлоқ ва маҳаллаларда спорт-соғломлаштиришни назардан қочирмаяпти. Чекка ҳудудларда спорт ривожи учун касаба уюшма маблағи ҳисобидан 750 минг сўм маблағ сарфланиб, 4 та стол тенниси секциялари ташкил этилди. 300 нафардан зиёд меҳнаткашлар ва улар оила аъзолари тўгаракларга жалб этилди.

Қисқаси, мамлакатимизда рўй бераётган туб ислоҳотларни ҳар жиҳатдан ривожлантириш, меҳнаткашларга ҳукуматимиз ғамхўрлигини етказишда жамоат ташкилоти жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда бугун касаба уюшмага умид, ишонч ортиб бораяпти. Бу эса мудом изланиш, интилишга даъват этмоқда.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

Ният холис бўлса

ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТ МЎЪТАДИЛЛАШДИ

Мўйноқ – баликчилар шаҳри. Орол денгизининг қудратли тўлқинлари жазавага тушганда, йирик-йирик балиқларни соҳилдаги кумликларга улоқтириб ташлаганини кўпни кўрган қариялар ҳамон эслайдилар.

Айни пайтда денгиз суви камайиб, мураккаб экологик аҳвол вужудга келгани ҳеч кимга сир эмас. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг доимий эътибори ва қўллаб-қувватлаши, хорижий инвесторларнинг ёрдами билан демографик вазият анча мўътадиллашди. Сув танқислигига барҳам берилиб, ариқ ва каналлар об-ҳаётга тўлди. Боғ ва яйловлар кўкаламзорлаштирилди. Сунъий кўллар барпо этилди.

Туманда бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси намоён бўлаяпти. Балиқчилик, деҳқончилик ва чорвачилик ривожланиб, меҳнатдан манфаатдорлик ошмоқда. «Кўксув», «Алидарё», «Торф» кўлларининг суви қуёш нурида жимирлайди. Олисда кемалар, балиқчиларнинг қайиқлари кўзга ташланади.

Вазирлар Маҳкамасининг балиқчиликни ривожлантириш бўйича қарори чиққанидан сўнг соҳа тараққиётига кенг йўл очилди. Хўжалигимизга сунъий денгиз ҳудудидан 4458 гектар сувли ҳавза ажратилган. Ҳозирги пайтда балиқни кўпайтириш ва озиқлантириш йўлга қўйилган, Бундан ташқари минг центнер балиқ овлаб, истеъмолчиларга етказиб бердик.

Кўксув соҳилидаги «Шеге» овулида 257 оила яшайди. Бир вақтлар эшкак эшиб, қайиқ ҳайдаб тонна-тонна балиқ овлаган денгизчилар бугун деҳқончилик ва чорвачилик билан ҳам шуғулланишаяпти.

Овулдошлар орасида Қулжон оға Қалиллаевнинг умр йўли барчага ибратли. 1942 йилда иккинчи жаҳон урушига кетган қорақалпоқ фарзанди оловли жангларда жон бериб, жон олди. Жангларнинг бирида оғир яраланиб, бир оёғидан ажралди. Буюк ғалабадан сўнг уйига қайтган Қулжон оға тинч меҳнат билан ўзини овутди. Биринчи гуруҳ уруш ногиронидан, деб давлат берган нафақани олиб, бемалол яшаб юраверса бўлар эди. Мустаҳкам иродаси, аҳди қатъийлиги билан қийинчиликларга бардош берди. Ўзини жўшқин меҳнатга бағишлади. Мана 62 йилдирки, тўрт мучаси соғ одамлар қила олмайдиган юмушларни бемалол уддалайди. Кўп йиллардан бери «Мўйноқ» ширкат хўжалиги бедачилик бригадасини бошқаради. Оила аъзолари билан 200 гектар майдондаги озуқабоп экинлардан юқори ҳосил етиштириб келаяпти.

(Давоми 2-бетда)

МАКТАБЛАР ҚИШГА ТАЙЁР

Ғаллаорол туманининг Лалмикор қишлоғидаги 22-ўрта мактаб вилоятдаги энг катта мактаблардан бири саналади.

- Бир ярим минг нафар бола таълим оладиган мактабнинг қишда исимаслиги жиддий қийинчилик туғдирар эди, - дейди мактаб директори Анвар Ибодуллаев. - Иситиш тизимимиз эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Қиш ойларида паст ҳарорат туфайли машғулотларни тўхтатган пайтларимиз ҳам бўлган.

«2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»га киритилган ушбу мактаб капитал таъмирланди. «Наврўз айёми» кўп тармоқли хусусий фирмаси нафақат мактаб биносини, иситиш тармоғини ҳам янгилаб берди: марказий қозонхонага янги қозон ўрнатилди. У газдан ташқари, кўмир билан ишлашга ҳам мослаштирилди, етарли миқдорда ёқилғи жамғарилди.

Тумандаги 90 та мактабнинг асосий қисми табиий газ билан иситишга мўлжалланган. Уларнинг ҳам иситиш тармоқлари, ҳар эҳтимолга қарши, бошқа турдаги ёқилғилардан ҳам фойдаланишга мослаштириб қўйилди. Қиш, айниқса, болалар муассасаларини иситиш билан боғлиқ ҳолларда, эҳтиёткорликни ёқтиради.

МУНОСИБ ТУҲФА

Навоий вилоятида болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, вилоятда 2003-2005 йиллар мобайнида саккизта янги спорт мажмуи барпо этилиб, тўққизта иншоот қайта реконструкция қилинди. Тўртта мактаб янги спорт залига эга бўлди.

Бугунги кунда Навбаҳор туманидаги «Бешработ», Нурота туманидаги «Фозғон», Конимех туманидаги «Конимех», Кармана туманидаги «Бешкент» қишлоқларида, Хатирчи туманидаги Мирзо Улуғбек номли ширкат хўжалиги ҳамда Зарафшон шаҳрида барпо этилган янги спорт мажмуаларида 66 мингдан зиёд бола бадиий гимнастика, енгил атлетика, футбол, волейбол, шахмат-шашка, қўл тўпи, баскетбол, теннис, стол тенниси билан мунтазам шуғулланмоқда.

Бонг

БОРИБ ТУРГАН МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

жиззахлик муштарийларга октябр ойи мобайнида «Ишонч» газетаси нега етиб бормади?

Хаётимизни матбуот нашрларисиз тасаввур килиб бўлмайди. Республикамиз кишилари ҳар куни эрта билан ўзлари севган газеталарни қўлга олиб мустакил Ўзбекистонимизда, жаҳонда бўлаётган янгиликлардан боҳабар бўладилар. Шубҳасиз, бу йил ажойиб муваффақиятларни қўлга киритаётган азамат пахтакорларимизнинг фидойилиги, тажриба ва ташаббуслари, мавсум қаҳрамонлари ҳақидаги мақолалар, жозибали суратлар барчанинг эътиборида. Агарда газеталар жойларга кечикиб борса, муштарийлар нимандир йўқотгандек бўлиб ташвишга тушишади.

Матбуот нашрлари оз бўлсада у ёки бу сабаб билан кечикиши ҳаётда учраб турадиган нарса. Лекин айнан бир газета дейлик, вилоятга бир ой мобайнида умуман келмай қўйса буни қандай тушуниш ва изоҳлаш мумкин. Таажжубки, Жиззах вилоятида шундай ҳайратомуз ҳол юз берди. Вилоятдаги муштарийларга октябр ойида «Ишонч» газетаси умуман етиб бормади. Бу турли соҳа кишилари ўртасида таажжуб ва норозилик уйғотди.

Бунинг сабабини аниқлаш мақсадида вилоят «Матбуот тарқатувчи» масъулияти чекланган жамиятда бўлдик. Жамият бошқаруви раиси Ҳайитбой Урдушовни қанча изламайлик у билан рўбарў бўлишнинг имкони бўлмади. Ходимлар эса раҳбарнинг рухсатисиз маълумот беролмасликларини айтишди...

Идорама-идора юриб охири жамиятнинг Дўстлик тумани вакили Галина Султонова билан учрашдик. Изоҳ беришича «октябр ойи учун кечроқ маблағ молиялаштирилгани сабабли «Ишонч» газетаси бир ой мобайнида ўз эгалари қўлига етиб бормабди».

– Ташвишланманг, ноябр ойидан бошлаб газетангиз жойларга мунтазам равишда етказилади, – дейди сўзининг охирида Галина Султонова истиҳола қилмай.

Барчани таажжублантирган жавобларни ҳол содир этилганлигининг асосий сабаби бу мутасаддиларнинг ўз вазифасига масъулиятсизларча муносабатда бўлганлиги, одатий ҳол ҳисобланган ҳисоб-китоб, назорат ва ташкилотчилик ишларининг ўлда-жўлдалигидир.

– Бошқа матбуот нашрлари қатори «Ишонч» газетасини ҳам соҳамиз кишилари мунтазам ўқиб борадилар, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Дўстлик тумани вакили Шоира Номозова. – Соҳамизга оид долзарб мавзулардаги мақолалар, ҳуқуқшуносларнинг чиқишлари ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг бажарилиши ҳақида ҳикоя қилувчи чиқишлар фаолиятимизни яхшилаш, илғорлар тажрибасидан унумли фойдаланиш, муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам бермоқда. Аммо газетани октябр ойи мобайнида ололмаганимиз маорифчиларни ҳайратга солди. Кимларнингдир совуққонлиги, муҳим ишга панжа орасидан қараганлиги муштарийларга қимматга тушди.

Бундай эътирозни фермер О.Абдуллаев, пахтакор Ю.Тўраев, тиббиёт ходими Т.Ғаниев, муаллим Ў.Ҳайитбоев, касаба уюшма ходими А.Шовқиев, хўжалик раҳбари Т.Умрзоқов ва бошқалар ҳам билдиришди. Тўғрида, одамлар иштиёқ билан бир йилга обуна бўлса-ю, ўзи кутган нашрни вақтида ололмаса. Ўйлаймизки, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ва унинг Жиззах вилоятидаги мутасадди раҳбарлари юқоридаги ташвишли ҳолга, қинғир ишларга муносиб баҳо берадилар.

Б.НОРҚУЛОВ, «Ишонч» махсус мухбири

ФЕРМЕР УЛУШИ

Жорий йил фарғоналик деҳқонлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Боиси республикамиз ҳукуматининг қишлоққа алоҳида эътибори, иқтисодий ислоҳотлар ва албатта кўпнинг фидокорона меҳнати туфайли ниҳоят қолоқликка барҳам берилиб, давлатга пахта сотиш шартнома мажбурияти бажарилди. Бу муваффақиятда мулкдорлар синфининг истиқболли вакиллари - фермерларнинг муносиб улуши бор. Каранг, шу кунгача вилоятда фаолият юритаётган 5 минг 710 фермер хўжалигининг 4 мингдан зиёди шартнома мажбуриятини дўндирди.

Чинданам фермер бугун қишлоқда катта куч. Омилкор, ташаббускор кишилар мавжуд имкониятдан, имтиёзлардан унумли фойдаланиб, гектар ҳосилдорлигини ошириш билан бирга, юқори сифатли хом ашё топширишга эришдилар. Ёзёвон тумани тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилганди. Мулкдорга энг кераклиси эркинлик, рағбат. Буни яхши англаган раҳбару мутахассислар инсон омилига эътиборни кучайтирдилар. Йиғим-терим зўр уюшқоқлик билан борди. Маданий-маиший тадбирлар вақтида амалга оширилди. Фермерларнинг шахсий ибрати, омилкорлиги туфайли Ёзёвон тумани пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб шартнома режасини адо этдилар. Бир нарса барчани қувонтирмоқда. Аввалари аксарият хўжаликлар йилни зарар билан якунлаганди. Бу йил эса вилоят бўйича 18 миллиард 224 миллион сўм соф фойда олиш кутилмоқда.

Иш йил бошидан пухта қилинди. Белгиланган тадбирларга кўра ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эътибор кучайди. Масалан, 2 минг 715 километрдан ортиқ зовурлар ва магистрал каналлар тозаланди. 90 минг гектар майдоннинг шўри ювилди. Яна бир муҳим жиҳати вилоят иқлими шароитига мос гўза навлари парваришланди. Буларнинг ҳаммаси ўзининг кутилган самарасини берди.

Вилоятда 2005 йил пахта ҳосилини қайта ишлаш бошлаб юборилган. Шу кунгача 70 минг тоннадан ортиқ хом ашё қайта ишланиб асосан олий ҳамда яхши синфларга мансуб тола, чигит, момиқ ишлаб чиқарилди. Толанинг асосий қисми экспорт қилинади. Ҳамжиҳатлик, мақсад сари дадил ҳаракат қилиш янги имкониятлар эшигини очди. Меҳнаткашлар манфаатининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмалари ҳам бир ёндан ҳаракат қилиб, мавсум муваффақиятини таъминлашга озми-кўпми ҳисса қўшдилар. Далада ишлаётганларга шароит яратиш, илғорларни рағбатлантириш, маданий тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказиш алоҳида режа асосида амалга оширилди. Касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан гилам, телевизор, турли сервислар каби қимматбаҳо эсдалик совғалари тарқатилди. Мана бугун фарғоналик деҳқонларнинг юзи ёруғ. Энди бундан буён ҳам бўш келмаймиз, пахтачиликни давр талаби даражасида ривожлантириш учун тиним билмай меҳнат қиламиз, дейишмоқда азаматлар.

А.ЮНУСОВ,
Фарғона вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси

Фарғона вилояти

Излаган имкон топади

Учқўприк туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг 1459 гектар умумий экин майдони бўлиб, унинг деярли ярми чўл ҳудудларда жойлашган.

— Излаган имкон топади, – дейди хўжалик раиси Ғ.Эгамов. – Барча аъзолар бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилса, раҳбар билан меҳнаткашлар ўртасидаги муносабатлар тўғри йўлга қўйилса, ҳар қандай қийинчилик ва муаммолар ҳал бўлади.

ПУДРАТ ҚУДРАТИ

Биргина мисол. 2003 йилда ҳосилдорлик ўртача 15 центнер атрофида эди. Бошқарув томонидан мулкчиликнинг ижара шаклига алоҳида эътибор қаратилганлиги, деҳқонларга ўғит ва техникадан амалий ёрдамлар берилганлиги ишга муносабатни бутунлай ўзгартирди. Яъни йил сайин ҳосилдорлик ошиб бормоқда. Бундан ҳамма наф кўряпти. Хонадонларга тонна-тонна буғдой кираётир. Хўжалик эса бошоқли дон етиштиришдан 67 миллион сўм соф фойда кўрди. Режадаги 2951 тонна ўрнига 3100 тонна ғалла етиштирилиб, режа 105 фоизга бажарилди.

Хўжалик миришкорлари бу йил серҳосил пахта навини экиб, парвариш қилишди. Катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосил нес-нобуд қилмай, йиғиб-териб олинди. Мавсум қатнашчилари иссиқ овқат билан таъминланди. Ҳар беш иш куни натижасига кўра олдинги ўринларни эгаллаган пудратчилар нақд пул ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Натижада 2 минг тонналик хирмон яратилди. Пахтанинг ўзидан 21 миллион сўм соф фойда олиш кўзда тутилаяпти.

Ҳа, меҳнат тўғри ташкил этилган, деҳқон кайфияти яхши бўлган жойда ишлар унумли, хирмон баракали бўлади, одамларнинг турмуш шароити яхшиланади.

З.БОЛТАБОЕВ,
«Ишонч» мухбири

Арнасой туманидаги Йўлдош Зоҳидов номли агрохизмат марказига қарашли "Фориш" фермер хўжалиги раҳбари Абдусалом Холиқов ишбилармон кишилардан. Қишлоқ мулкдори токзор ва боғзор яратди. Боғ маҳсулотларини қишлоғидаги "Чарос" мактабгача таълим муассасаси жажжиларига бепул бериб турибди. Шунингдек, у дала бошида икки қаватли дала шийпони бунёд этди. Ишчиларнинг мазмунли меҳнатдан сўнг мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Суратда: фермер Абдусалом Холиқов бир гуруҳ ишчилари билан.

Б. Норқулов олган сурат

Ният холис бўлса

ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТ МЎЪТАДИЛЛАШДИ

(Боши 1-бетда)

Азалдан моҳир чавандоз бўлган ёшулли отига сапчиб минганида ҳар қандай одам унинг эпчиллигига тан беради. Навқирон йигитлардек қуввати бор. Гоҳо қўлтиқ таёғини улоқтириб, беда ўришга тушиб кетади. Газета-журналларни кўзойнаксиз ўқийди. Бадиий китобларни севиб мутолаа қилади. Умр йўлдоши Ойжамол опа билан фарзандлари, невараче-вараларини ақлли-хушли, одобли ва меҳнаткаш қилиб тарбиялаб, вояга етказган.

Ана шундай фидойи одамларнинг ғайрат-шижоати туфайли туман иқтисодий-ижтимоий тараққиёт йўлидан бормоқда. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш соҳасида туб ўзгаришлар рўй берди. ҚВП, янги мактаблар, 500 ўринли спорт мажмуаси, маданият ва истироҳат боғи ишга тушди. Бугунги кунда хорижий инвесторлар иштирокида очилган 2 та қўшма корхона, 321 та хусусий тадбиркор ва 88 та кичик корхоналар ўзининг сифатли маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдиряпти.

Ер ости бойликлари бисёр минтақада геология қидирув ва бурғулаш ишлари кенг кўламда олиб бориляпти. Орол ҳавзасида 70 та қудуқдан табиий газ ва нефтнинг катта заҳираси топилди. 63 километрли масофага 500 куб.метрли янги қувурлар ётқизилиб, «Бухоро-Урал» газ тармоғига ҳар куни 4800 куб.метр «зангори олов» етказиб берилаяпти.

Халқаро ташкилотлар ва хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда катта фойда келтирадиган экологик лойиҳалар ишлаб чиқилган. Исроилнинг «Нетафим» компанияси ёрдамида 50 та оила томорқасига томчилатиб суғориш ускуналари ўрнатилди. Германиянинг «Аграр-акция» ташкилоти хўжаликларда картошка етиштиришни йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатди. Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги билан аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш бўйича 2005-2006 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди.

Германиянинг техникавий ҳамкорлик жамияти (GTZ) кўп йиллардан бери Оролбўйи ҳавзасини кўкаламзорлаштириш, ҳудудни чанг-тўзонлардан муҳофазалаш учун иҳотазорлар барпо этиш лойиҳасини амалга оширяпти. Ана шунга мувофиқ 16 минг гектар майдонда саксовул экинлари экилди. GTZ томонидан тузилган «Шамс-Еркин» ҳиссадорлик жамиятида юзлаб маҳаллий йигит-қизлар доимий иш ўрнига эга бўлишди. Франциянинг «Кофтьютс» ташкилоти 4 минг гектар қумликда саксовулзор барпо этишга кўмаклашди.

Оролни қутқариш Халқаро жамғармасининг лойиҳасига мувофиқ ўнлаб кичик кўллар, «Дарёоралиқ» сунъий денгизи яратилди. Бугунги кунда минтақада 8 та кўл қайта тикланиб, уларда 250 миллион куб.метр сув сақланяпти. Амударёнинг денгизга қуйиладиган эски ўзанида қурилаётган сув тўсиш иншооти битказилгач, қўшимча равишда 200 миллион куб.метр «об-ҳаёт» сақлаш имконияти пайдо бўлади. Иншоотда «Нукуссувқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари томонидан 1 миллиард 600 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-ускуналаш ишлари бажарилди. Икки километрдан ортиқ дамба тўсиқ тош билан мустаҳкамланди. Ҳар дақиқада 360 куб.метр об-ҳаёт ўтказиш қувватига эга гидроиншоот сувининг миқдорига қараб, автоматик тарзда очилиб-ёпилади.

«Арал-инвест» ва «Арал-Артемия компани» қўшма корхоналари ёрдамида саноатда ишлатиш учун денгиз сувини тозалаш ускуналари ўрнатилди. Мўйноқ балиқ консерва комбинатида чорва учун энг кераклы балиқ чиқиндиларидан чорва уни тайёрлаш цехи ишга тушди. Ҳозир корхонани тўла қувват билан ишлатиш чоралари кўрилаяпти.

Эл соғлиги – юрт бойлиги. «Сиҳат-саломатлик йили» дастури асосида аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, касалликларнинг олдини олиш учун янгидан-янги шифо масканлари қурилаяпти. Марказий поликлиникани таъмирлашга 6 миллион 100 минг сўм маблағ сарфланди. «Тез тиббий ёрдам» марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Олис овуллардаги туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар кўрикдан ўтказилиб, тиббий ёрдам кўрсатилаяпти.

Яқинда мўйноқликлар ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди. Бу йил илк бор тўпланган сув заҳиралари Орол денгизининг аввалги ўзанигача етиб борди. Бўрлитов мавзесида оқар сувни денгиз ўзанига ўтказиб берадиган йирик тўғон очилди.

Янги иншоотни барпо этиш учун «Сувқурилиш» акциядорлик жамияти жамоаси 1,8 миллиард сўмлик иш бажаришди. 8130 куб.-метр монолит бетон қўйилди. 450 минг куб. метрлик тупроқ ишлари амалга оширилди. Ҳар бири 900 метрлик 2 та ёрдамчи канал қазилди. Узунлиги 5 километрли электр тармоғи вужудга келтирилди.

Янги тўғон тўпланган обҳаётни 360 метр-секунд тезликда денгиз ўзанига ўтказиб бериш учун зарур бўлган барча муҳандислик тизимига эга. Эндиликда 10-11 миллиард куб.метр сув Оқдарё орқали дастлаб Думалоқ кўлига, сўнгра Ороллнинг қуриб қолган ўзанига келиб тушади. Яна денгиз уммонлашиб мавжлана бошлади.

Мўйноқликларнинг қийин ва шарафли меҳнати муносиб тақдирланмоқда. 9-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Баяной Тенилова «Фидокорона меҳнатлари учун» ордени ва туман телекоммуникация тармоғи бошлиғи Бахтбой Мамбетмуродов «Шуҳрат» медали билан мукофотландилар.

... Зилол сувлари жилоланиб турган кўллар оғушида жойлашган балиқчилар шаҳри ва тумани меҳнат аҳли истиқлол нурларидан баҳраманд бўлиб келажакка катта ишонч билан қарамоқда.

Қ. БЕКМУРОДОВ,
«Амударё» масъулияти чекланган жамият раиси

Соғломлаштириш

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда оммавий спортга жалб этиш долзарб вазифалардан. Бу борада Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт курувчилари касаба уюшма Марказий кенгаши ва унинг қуйи ташкилотларида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

ФАХРИЙЛАР ДУОСИНИ ОЛИБ

Айни пайтда тармоқда 6 та кутубхона мавжуд бўлиб, 109 мингдан зиёд китоб жамғармасига эга. Улардан доимий равишда 5 минг нафарга яқин китобхон фойдаланмоқда. Кейинги йилларда тармоқ ходимлари ва уларнинг фарзандлари 500 мингдан зиёд китобдан фойдаландилар. Мустақиллик йилларида нашр этилган 5 минг нусха асар харид қилиниб, кутубхоналарга тарқатилди. Бунинг учун касаба уюшма ташкилотлари ҳисобидан 3 миллион 400 минг сўм сарфланди.

Ишчи-хизматчиларнинг сиёсий онги ва тафаккурини бойитишда кутубхоналар ўрни беқиёсдир. Шуни ҳисобга олиб тармоқда «Энг яхши кутубхона», «Китобсевар оила» кўрик-танловлари ўтказилмоқда. Голиблар эса кенгашнинг қимматбаҳо буюмлари билан мукофотландилар. Тошкентдаги Темирйўлчилар маданият саройи қошида фаолият кўрсатаётган кутубхонанинг кейинги йилларда олиб бораётган ижобий ишлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Унинг фаолияти Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раёсатида кўриб чиқилиб, тармоқ меҳнаткашларини ва ёшларнинг маънавий дунёқарашини ўстириш борасида олиб бораётган ишлари ижобий баҳоланди. Иш тажрибаси республика касаба уюшмалари тизимидаги кутубхоналарга оммалаштириш учун тавсия этилди.

Темирйўл компаниясида амалга оширилган айрим ўзгаришлар туфайли барча маданият саройлари минтақавий узеллар тасарруфига ўтказилди. Меҳнат жамоаларида «Маънавият ва маърифат» хоналарини замон талаблари даражасида жиҳозлашга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ундан республикамизнинг равнақига ўзининг улкан улушини қўшган алломалар ва уларнинг асарлари, юртбошимизнинг мустақиллик йилларида чоп этилган китоблари ўрин олмоқда.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш кенгашнинг доимий диққат эътиборида. Тармоқда меҳнат қилаётган ходимларнинг бу масаладаги мурожаатлари ҳамиша имконият даражасида қондириб келинмоқда. Маълумият ҳамда касаба уюшма ташкилотлари ўртасида олиб борилган бу борадаги ҳамкорлик ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ўтган йиллар давомида 31 минг 359 нафар болалар ёзги мавсумни оромгоҳларда ўтказишди. Тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 4300 дан зиёд йўлланма бепул тарқатилди. Оролбўйи минтақасидан келган 2184 нафар болалар Тошкент, Самарқанд шаҳарларидаги «Қибрай», «Дўстлик» болалар ёзги оромгоҳларида ҳамда «Назарбек» санаторий-профилактория-сида соғломлаштирилди.

Кейинги йиллар давомида тармоқда меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларига 35 мингдан зиёд имтиёзли йўлланмалар ажратилди. Шуларнинг 2163 таси кам таъминланган оилаларга бепул тарқатилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти 2 миллиард 200 миллион сўмдан зиёд маблағни «Назарбек» ҳамда «Сиҳатгоҳ» санаторий-профилактория-лари, «Хўжакент», «Чимён» пансионати ва сиҳатгоҳлари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ва ходимларни йўлланмалар билан таъминлаш кўрсаткичини сақлаб қолишга ажратди.

Марказий кенгаш ҳамда компания раҳбариятининг ҳамкорликда қабул қилган қарорига биноан 2004 йилнинг 1 апрелидан бошлаб фахрийлар учун «Назарбек» санаторий-профилактория-сига 3 йилда бир маротаба бепул йўлланма бериш йўлга қўйилди. Айни пайтда кўплаб меҳнат фахрийлари ушбу имтиёздан фойдаланишмоқдалар.

Тармоқ меҳнаткашлари ўртасида жисмоний-тарбия ҳамда спортнинг кенг оммалашуви учун барча имкониятлар сафарбар этиляпти. Айни кунларда компания тасарруфидаги темир йўл бўлимларида спортнинг теннис, бокс, футбол, таэквандо, каратэ, баскетбол ҳамда кураш турлари бўйича шуғулланиш учун зарур бўлган барча имкониятлар мавжуд. Жисмоний-тарбия ҳамда спорт клубларида кейинги йилларда 19 нафар спорт устаси, 71 нафар номзод, 3 нафар халқаро тоифадаги спорт усталари тайёрланди. Тармоқ спортчилари Республикамиз миқёсида ўтказилаётган мусобақалардан ташқари унинг айрим турлари бўйича жаҳон ва Осиё биринчиликларида қатнашиб, мустақил республикамиз шарафини ҳимоя қилмоқдалар.

Ўтган йили Марказий кенгаш ташаббуси билан минтақавий темир йўл бўлимлари бўйича стол тенниси, мини футбол, бокс, шахмат ва шашка бўйича мусобақалар ўтказилди. Голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Н.РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Қадимий Нурота шаҳри аҳолиси азал-азалдан ерости булоқлари - чашмалар сувини ичиб келади. Аҳоли сони кўпайиб, шаҳар ҳудуди кенгайиши билан янги маҳаллаларда ичимлик суви танқислиги юзага кела бошлаган эди. «Об-ҳаёт-ЛТД» корхонаси қурувчилари шаҳар четидаги Мустақиллик маҳалласида бу муаммога нуқта қўйди: юздан зиёд хонадонга тоза ичимлик суви етказиб берилди.

Шу йилнинг ўтган даврида тумандаги «Қизилча» қишлоғи аҳолиси ҳам тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди. Бу ишни 12 километрдан зиёд масофага сув қувурлари тортган бунёдкорлар шараф билан адо этди.

Ислоҳот йўлидаги ғов

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга етарлича шарт-шароитлар яратиб бериш саъй-ҳаракати ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида. Хусусан, Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ инфратузилмасини шакллантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ана шу ишларни кенг шакллантиришда асосий омил бўлаётир.

БАҲОНА БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Республикамизнинг энг чекка туманларидан бири бўлмиш Узунда ҳам ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш ва аҳоли талаб-эҳтиёжидан келиб чиқиб хонадонларни газлаштиришда кейинги даврда анча-мунча саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Масалан, икки йил оралиғида туман газ таъминоти идораси мутасаддилари режага кўра, 32,5 километр янги линиялар тортиб, қарийб 200 хонадонда истиқомат қилувчиларни зангори олов билан таъминлади. Шунингдек, бир қанча маҳаллалардан ўтувчи эскирган линиялар янгиси билан алмаштирилди.

Бироқ бу инфратузилмада кўзда тутилган муҳим ишлар рисоладагидек бораяпти, дегани эмас. Мисол учун. Туманда 120 минг нафар аҳоли 21 минг хонадонда истиқомат қилади. Шундай бўлсада, шу кунгача атиги 7395 та хонадон табиий газ билан таъминланган, холос. Бунинг сабаби мутасаддилардан суриштирилганда, маблағ йўқлигини рўкач қилишдан нарига ўтишолмаётирлар.

Нима ҳам дейиш мумкин. Баҳона билан иш битмайди, қўл қовуштириб ўтирган билан эса газ ёнмайди. Истеъмолчилардан фойдаланилган газ учун хизмат ҳақини ундириш ўлда-жўлда бўлиб турган бир пайтда мутасаддиларнинг бу каби баҳоналари тажжублантирмайдими, кишини. Аҳолининг фойдаланилган газ хизматларидан қарздорлиги шу кунгача 37 миллион сўмдан ошиб кетган. Қарздорлик миқдорининг кун сайин ортиб бораётгани жорий йилда асосий тармоққа уланиши лозим бўлган 8,5 километрли кучли босимдаги қувурни тортишни орқага сурмоқда.

Нафсиламбирини айтганда, бунинг олдини олиш учун газ таъминоти идораси ходимлари бир мунча ишлар қилишган. Чунончи, ширкат хўжаликларида ишловчилар учун пул ўтказиш йўли билан қарздорликка барҳам берилаётир. Ёки 5-10 минг сўмлик имтиёзли патталар ҳам жорий этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини газга бўлган талаб-эҳтиёжини қондиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бўйича жойларда қўшма рейдлар уюштирилиб, амалдаги қонунларга бўйсунмаётган истеъмолчилардан 402 нафарининг газдан фойдаланиш тармоғи вақтинчалик узиб қўйилди. Аммо эътиборсизлик туфайли «Ўзбекистон» маҳалласидан Баҳодир Сатторов, «Тожикон» маҳалласидан Маматқул Норов сингари истеъмолчилар ўзбошимчалик билан қайтадан улаб олишган. Айни пайтда туман прокуратураси тартиббузарларга нисбатан чора-тадбирлар кўраётир.

Шунингдек, мутасаддиларнинг масъулиятни ҳис этишмагани оқибатида аҳолини газ ва газ ҳисоблагичлар билан таъминланиш даражаси 42 фоизни ташкил этади. Бозор иқтисоди шароитида рағбатсиз иш самараси кўнгилдагидек натижа бермаслигини амалда кўрсатмоқда. Гап шундаки, туманда газдан қарздорликнинг ошиб бораётгани ва ишчиларни моддий қўллаб-қувватлаш масаласи ўз ҳолига ташлаб қўйилгани боис, меҳнат аҳли уч ойдан буён иш ҳақини олгани йўқ. Корхонанинг шу кунгача ишчилар ҳақидан салкам 6 миллион сўм қарзи бўлса-да, мутасаддиларнинг бу ишга бепарволиги ҳар қандай кишини ташвишлантиради.

Аҳволни ўнгласа бўладими, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Ана шу масалада битта мулоҳаза бор. Узун тумани тасарруфида 17 та маҳалла қўмиталари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз ҳисоб рақамларига эга ва ўз ҳудудларида қанча хонадон бор, кимнинг қурби нимага қодир эканлигини яхши билишади. Шу жиҳатдан ёндошиладиган бўлса, маҳалла қўмиталари билан ҳамкорлик қилинса, қарзларга тезроқ барҳам беришга ҳамда хизмат ҳақи ҳисобига маҳаллаларни ҳам озми-кўпми ободонлаштиришга имкон туғилиши мумкин эканини мутасаддилар яхшилаб ўйлаб кўришса, фойдадан холи бўлмасди.

Туман газ таъминотининг истеъмолчилар билан тузган йиллик шартномасидаги мана бу кўрсаткич ҳам соҳада тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг етишмаётганлигини кўрсатади. Масалан, режага кўра истеъмолчиларга 15 миллион куб.метр газ сотилиши назарда тутилган бўлишига қарамай, ҳозиргача 9 миллион 238 минг куб.метр газ етказиб берилган. Шунингдек, марказни кесиб ўтувчи Қоратоғ дарёсининг нариги қирғоғида тўртта ширкат хўжаликлари ва бир нечта қишлоқлар бор. Аммо бирорта ширкат ва бирорта қишлоқ хонадонлари табиий газ билан таъминланмаган, ҳатто яқин орада бу ишни амалга ошириш бизнес-режаси ҳам тузилмаган.

Қишлоқ инфратузилмасини шакллантиришда туман газ таъминоти ва тегишли мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Нима ҳам дейиш мумкин. Халқимизда ҳечдан кўра кеч яхши, деган гап бор. Сурхондарёдаги мутасадди ташкилотлар масалага жиддий ёндошишса, муаммонинг ўз ўрнида барҳам топишига шубҳа йўқ. Зеро, бунинг учун вилоятда имконият ва шарт-шароитлар етарли эканлигини унутмаслик лозим.

А.ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

УМУМХАЛҚ ИШИГА АЙЛАНГАН ДАСТУР

Улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий «Мактаб дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрлисидир. Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари билан ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққий ривожига ижтиҳод қилурлар» деган эди. Элнинг эртаси фарзандлари камолида акс этади. «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Президент Фармони фарзандларимизнинг баркамол улғайиши, уларни ҳеч кимдан кам қилмай тарбиялаш мақсадида ташланаётган қутлуғ одимлардан бири бўлди.

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида ана шу дастурда белгиланган вазифаларнинг ижроси борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мавжуд 543 та умумтаълим мактабларининг моддий-техника таъминоти, спорт заллари, ўқув бинолари, ошхона ва бошқа қўшимча биноларнинг ҳолати экспертизадан ўтказилиб, техник хулосалар олинди. Унга кўра 24 та янги қуриладиган, 219 та капитал реконструкция қилинадиган, 253 та капитал таъмирланадиган ва 28 та жорий таъмирланадиган мактаблар борлиги аниқланди. Биргина ўтган йилнинг ўзида дастур доирасида 3 та ҳар бири 660 та ўқувчига мўлжалланган мактаб янгидан қурилиб, ишга туширилди. 12 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилди.

2005 йилнинг манзилли дастурига кўра Бахмал туманининг Ўрмончи, Зоминнинг Қизилсой, Зарбдорнинг Сутбулоқ қишлоқларида янги мактаб бинолари қурилиши режалаштирилган бўлиб, катта ҳажмда ишлар амалга оширилди. Мўлжалланган муддатда қурилиш ишлари ниҳоясига етказилиб, ўқувчиларни ўз қучоғига олишга эришилди.

Шунингдек, 24 та мактаб реконструкция қилинди, 37 таси капитал, 4 таси жорий таъмирланди. Юқоридаги ишларни бажариш учун кўзда тутилган 6 миллиард 803 миллион сўм маблағ сарфланди.

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Дўстлик туман халқ таълими тизимида ибратли ишлар қилинмоқда. Мавжуд 19 та умумий ўрта таълим мактабининг 5 таси капитал реконструкция қилинадиган, 11 таси капитал ва 3 таси жорий таъмирланадиган мактаблар бўлиб, умуммиллий дастурга киритилди. 2005 йилда дастурга биноан 1 та реконструкция, 2 та капитал ва 16 та жорий таъмирланадиган мактаблар режалаштирилган бўлиб, ушбу ишларни амалга ошириш учун жами кўзда тутилган маблағ 225 миллион сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, мазкур мактабларни замонавий компьютер ва жиҳозлар билан таъминлаш режалаштирилган эди. Барча объектлар бўйича тендер савдолари ўтказилиб, ғолиб бўлган пудратчилар томонидан 3 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Ш.Рашидов номли 16-мактабда «Мерос» фирмаси 113 миллион сўмлик капитал реконструкция ишларини бажарди. «Олтин товус» фирмаси М.Дадажонов номли 4-умумий ўрта таълим мактабида 55,3 миллион сўмлик, «СПКК-418» фирмаси 55,4 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини амалга оширди.

– Мактабимиз тумандагина эмас, балки вилоятда ҳам энг кўркам, ҳавас қилса арзигулик билим масканларидан бирига айланди, – дейди мактаб директори Кароматилла Зиёқулов. – Бу Юртбошимиз ташаббуси билан ҳаётга тадбиқ этилаётган мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури шарофатидандир. Мактабимиз аввал бир неча йиллар болалар боғчаси бўлган. Кейинчалик мослаштирилиб, мактабга айлантирилди. Деворлари нураб, поллари чўкиб, анча хароб ҳолга келиб қолганди. Рости, дастлаб мактабнинг қисқа муддатда таъмирланиши, шу даражада жиҳозланишига у қадар ишонмагандик. Вилоят халқ таълими бошқармаси, туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, ҳомий ташкилотларнинг саъй-ҳаракати туфайли қисқа муддатда ўқув даргоҳимиз қиёфаси тубдан ўзгарди.

– Шу боис ўқув йилининг биринчи кунида мактаб жамоасининг, айниқса, жажжи ўқувчиларнинг қувончи чексиз бўлди. Мактабимиз гўё янгидан қурилгандай тус олди. 26 нафар муаллим ва 324 нафар болалар кўз ўнгида ҳар томонлама мукаммал билим кошонаси қад ростлади. 14 йилдан буён на ошхона, на спорт зали, на компьютер бор эди. Эндиликда шинамгина ошхона ишлаб турибди. Ёпиқ спорт зали, очиқ спорт майдончалари барпо этилди. Компьютер синфимиз ҳам бор.

Мактаб ота-оналар қўмитаси раиси, «Нурсуҳ» фермер хўжалиги раҳбари Ҳавохон Мадумарова шундай дейди:

– Юртбошимизнинг мактабларнинг аҳволини тубдан яхшилаш ҳақидаги ташаббусларининг нечоғли тўғри ва халқчил эканлигини биз ота-оналар, қишлоқ мулкдорлари юракдан ҳис қиляпмиз. Фермерлигимиз ҳисобидан мактаб ўқувчиларининг ўқув қуроллари ва дарсликлари учун 100 минг сўм маблағ ажратдик. Мактаб қишлоғимиз учун гўё янги маърифий ва маданий таълим мактаби капитал реконструкциядан сўнг ўзгача қиёфа касб этди.

– Мактабимиз 1980 йилларда коттеж уйларда қурилган бўлиб, бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермай қўйганди, – дейди биз билан суҳбатда мактаб раҳбари Гулсара Арабова. – Ҳукуматимиз томонидан мактаб таълимини ривожлантириш, ўқувчиларимизнинг замон талаблари даражасида ўқишлари учун амалга оширилаётган улкан бунёкорлик ишлари ҳозирданоқ ўқув-тарбия жараёнига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

«БУНДАЙ ШАРОИТНИ ФАҚАТ ОРЗУ ҚИЛГАНМИЗ»

дейишади янги ўқув йилини янги бинода бошлаган «Наврўз» қишлоғидаги 11-мактаб ўқувчилари

Арнасой туманидаги Акмал Икромов номли 11-умумий ўрта

Фармон ва ижро

Омон Мамадалиев бошлиқ SUNRISE («Санрайс») ишлаб чиқариш хусусий фирмаси қурувчилари қисқа муддатда бу ишни амалга оширишди. 211 миллион 910 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Синфхоналарга қўйилган янги мактаб мебеллари, ўқув-лаборатория жиҳозлари, кўргазмали воситалар билан бойитилган физика, кимё, биология фан хоналари ва меҳнат устахонасига кирган кишининг баҳри-дили очилади. Замонавий спорт анжомлари билан таъминланган янги спорт зали, кийиниш ва ювиниш хоналарини айтмайсизми! Бундан ташқари, компьютерлаштирилган синф хонаси ташкил этилди. Маънавият ва маърифат хонаси дид билан жиҳозланди. Лингафон хонаси ишлаб турибди.

– 2004 йилда Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга тадбиқ этила бошланган мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ туманимизда биринчи бўлиб бизнинг мактаб капитал реконструкция қилинадиган бўлди. Бундан энг кўп қувонган ўқувчилар, қолаверса, биз ота-оналар бўлдик, – дейди мактаб ота-оналар қўмитаси раиси Яхшилик Ауелбеков. – Мактабда таъмирлаш ишлари кетаётган паллада ота-оналар, «Бахтли» маҳалласи фаоллари, саховатли инсонлар мактаб жамоаси ва ўқувчилар билан ҳамнафас бўлдилар.

370 ўринли мактабда айни чоғда икки навбатда 670 нафар ўқувчи ўзбек ва қозоқ тилларида машғулот ўтказишмоқда. Уларга 47 нафар ўқитувчи сабоқ беришаётир.

– Ободончилик ишларини тўлиқ ўз кучимиз билан амалга оширишга жамоамиз билан келишиб олдик, – деб суҳбатга қўшилди мактаб раҳбарининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Рустам Икромов. – Ҳозирги кунда спорт майдончаларини текислашга, ариқлар қазиб кўчат ўтқазишга киришдик. Собиқ ўқувчиларимиз ҳам ўз саховатларини аяшмаяпти. Камдир мактабни кўчат билан таъминлаяпти, яна кимдир техника билан ёрдам қилаяпти.

Худди шундай капитал таъмирлаш ишлари тумандаги А.Қодирий номли 2-умумий ўрта таълим мактабида ҳам амалга оширилди. 536 ўқувчи ўринга эга мазкур таълим муассасаси «Мухлиса Олим қизи» хусусий фирмаси бунёдкорлари томонидан қисқа фурсатда таъмирдан чиқарилди. Давлат бюджетидан 44 миллион 200 минг сўм маблағ ажратилиб, лойиҳа қиймати тўлиқ сарфланди. Қурилиш-таъмирлаш ишларида мактаб фаолларининг ота-оналари томонидан ҳам ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилиб, таълим муассасаси синфхоналари ҳамда мактаб ҳовлиси ободонлаштирилди.

Шунингдек, тумандаги ихтисослашган мактаб-интернатида ҳам капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. «Авесто» ишлаб чиқариш фирмаси томонидан 35 миллион 290 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ҳар икки мактаб ўқувчилари ҳам янги ўқув йилини янги мактабда кутиб олдилар.

Арнасой туманида умуммиллий дастурга мувофиқ 4 та мактаб капитал реконструкция қилинади. 9 та мактаб капитал, 3 та мактаб жорий таъмирланиш кўзда тутилган. Мавжуд 22 та мактабда айни пайтда 641 нафар ўқитувчи 9779 нафар болага таълим-тарбия беришмоқда. Дастлабки қурилган мактабларга 30 йил бўлди. Бугунги кун талабига, яъни Давлат умуммиллий дастури талабларига жавоб бермай қўйган таълим муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Хуллас, Республикамиз бўйлаб давом этаётган қутлуғ жараён – Давлат умуммиллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш ҳар бир халқ таълими ходими зиммасига юксак масъулият юклаяпти.

Н.БЎРИЕВ

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ХУСУСИДА

Саволингизга ТДЮИ «Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи» кафедраси ўқитувчилари доцент Муборак Усмонова ва Йўлдош Турсунов жавоб беради

Савол: Ўзбекистон Конституциясида фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланиши қандай таърифланган?

Н.БОБОҚУЛОВА, Ш.ТУРСУНОВА, Жиззах вилояти

Жавоб: Ўзбекистон Конституциясининг 39-моддасида «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга» эканликлари, «Пенсия, нафақа, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас»лиги белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда фуқароларимизнинг ижтимоий ҳимояга ва ижтимоий таъминот олишга бўлган Конституциявий ҳуқуқларини тўла кафолатлаш, уни рўёбга чиқарилиши учун давлат ва жамият барча зарур чора-тадбирларини амалга ошириб келмоқда.

Ижтимоий ҳимоя кенг маънода барча аҳоли табақалари ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бу ҳуқуқларни кафолатлаш одамлар моддий ва маънавий-маданий турмуш даражасини юксалтириш соҳасидаги давлат ҳамда жамият фаолиятидан иборат бўлиб қолди. Ижтимоий ҳимоя соҳасида юритилаётган фаолият самарадорлиги бугунги кунда нафақат фуқаролар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини амалга ошириш воситаси бўлиб, балки сиёсий барқарорликни таъмин этувчи муҳим омил вазифасини ўтамоқда.

Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги фаолият йўналишлари сифатида қуйидагилар кўрсатилиши мумкин:

1. ўзининг саломатлиги аҳволи, ногиронлиги, кекса ёшда эканлиги, боқувчисиз қолган, ёш болали ёхуд бошқа хусусиятларига кўра социал хатар гуруҳига муносиблиги туфайли ўзини-ўзи мустақил таъминлашга қодир бўлмаганлиги туфайли ёрдамга муҳтож бўлган аҳоли тоифаларига пул ва бошқа шаклларда ёрдам ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш;

2. меҳнат қилиш имконияти ва истаги бўла туриб ўзига боғлиқ бўлмаган объектив сабабларга кўра ишдан ҳамда даромаддан маҳрум бўлиб қолган шахсларга кўрсатиладиган турли ёрдамлар (янги иш жойлари барпо қилиш, янги касбларга ўқитиш ёки малакасини ошириш, бошқа минтақаларга ишга жўнатиш, ишсизик нафақаси тайинлаш ва бошқа чоралар;)

3. фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида назарда тутилган билим олиш ҳуқуқларини амалга оширилишига кўмаклашиш ва бунинг учун зарур шароитларни яратиш, билим олиш ҳуқуқининг таъминланиши ҳар бир фуқарога эркин касб танлаш, ўзи хоҳлаган соҳада унумли меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқарилишига кўмаклашади;

4.малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи (Конституциянинг 40-моддаси) ва бу ҳуқуқнинг тўлиқ амалга оширилиши ҳам фуқаролар ижтимоий-ҳуқуқий мақомининг мустаҳкамланиши ва уларнинг ишончли ижтимоий ҳимояланишларининг асосий шартларидан биридир.

Мамлакатимизда тез тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамият касб этувчи касалликларни давлат, аҳоли муҳтож табақаларига бепул тиббий ёрдам кўрсатилиши кабилар кучли ижтимоий ҳимоянинг намоён бўлишидан иборатдир.

5. товар ва хизматлар бозорида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя этилишини ташкил этиш ҳам аҳоли ижтимоий ҳимояси шаклларидан бири бўлиб саналади. Бундай ижтимоий ҳимоя монополия корхоналар томонидан нархларни асоссиз кўтарилишига йўл қўймаслик, товарлар ва хизматлар сифатини кузатиб бориш, савдо қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш итида одамларнинг ўзгариб бораётган эҳтиёжларига, халқаро андозаларга, мамлакатимиздаги иқтисодий имкониятларга мос бўлишини таъминлаш зарурати юзага келади.

Шунга кўра бизнинг назаримизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва таъминлаш соҳасидаги қонунчилик базаси эътибор билан йўқловдан ўтказилиши, бугунги кун руҳи ва вазифаларига тўғри келмайдиганлари бекор қилингани ҳолда бозор муносабатлари тамойилларига, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ мезонларига мос келадиган ўзгартириш ва қўшимчалар билан тўлдириши лозим.

Ушбу қўшимча ва ўзгартиришлар боқимандалик, тайёрга айёрлик кайфиятларига батамом барҳам бериш, инсоннинг ижтимоий, сиёсий фаоллиги ортишига, ўз жисмоний ва ақлий имкониятларини энг кўп даражада ишга солишларига қаратилмоғи керак.

Демократик анъаналар кенг қарор топган ҳуқуқий давлатларда ижтимоий муносабатларни қонуности актлари ва идоравий меъёрий ҳужжатлар билан эмас, балки олий вакиллик органлари қабул қиладиган қонунлар воситасида тартибга солиш амалиёти қарор топган.

Назаримизда ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири – унинг айнан қонунчилик негизини мустаҳкамлашдан иборат бўлмоғи лозим. Ижтимоий ҳимояни амалга оширилиш принциплари, механизмларини аниқ механизмларини назарда тутувчи, унинг айрим шаклларига тааллуқли бўлган қонунлар, жумладан, «Ижтимоий ҳимоя тўғрисида»ги, «Турмуш кечиришнинг энг кам кўрсаткичлари тўғрисида»ги, «Даромадларни индексациялаш тўғрисида»ги, «Хайрия ва хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши долзарб вазифалардандир.

Чунки ижтимоий ёрдам кўрсатиш фаолияти қонуности, идоравий актлар билан тартибга солинишидан қонунлар орқали тартибга солинишига ўтказилиши жамиятда қонунийлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг муҳим шартларидан саналади.

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



КОРХОНА ИШЧИЛАРИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МУАММО

Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

Савол: вилоят ҳокимининг қарори билан вилоят «Коммундренаж» ишлаб чиқариш корхонаси нодавлат мулкчилик шаклида барпо этилаётган ихтисослаштирилган дренаж ишларини бажарувчи пудрат корхонасига айлантирилди. Шу сабабли ходимларнинг меҳнат муносабатлари бошқа ишга ўтказиш йўли билан давом эттириладими ёки улар билан меҳнат шартномаси бекор қилиниб, янгидан ишга қабул қилинадими? Меҳнат кодексининг моддаси ва бандларини кўрсатиб тушунтириш беришингизни сўраймиз.

Н.БЎРОНОВА, Қизилтепа тумани

Жавоб: берилган саволнинг мазмунидан маълум бўладики, демак ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасидаги меҳнат шартлари ўзгаради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 88-моддасига мувофиқ меҳнат шартлари дейилганда меҳнат жараёнидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омилларининг жами тушунилади.

Ижтимоий омиллар жумласига меҳнат ҳақи миқдори, иш вақтининг ва таътилнинг муддати ҳамда бошқа шартлар киради.

Техника, санитария-гигиенага оид, ишлаб чиқариш маиший ва бошқа шартлар ишлаб чиқариш омиллари деб ҳисобланади.

Меҳнат шартлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, меҳнат шартномаси тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

Меҳнат шартларини ўзгартириш, улар қайси тартибда белгиланган бўлса, шундай тартибда амалга оширилади. Меҳнат шартномаси иш берувчининг талаби билан меҳнат шароитларини ўзгартиришга Меҳнат кодексининг 89-моддаларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олиши шарт. Бу муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Меҳнат Кодексининг 98-моддасига асосан корхона қайта ташкил этилганда, яъни қўшиб юборилганда, бирлаштирилганда, бўлиб юборилганда, қайта тузилганда, ажратилганда меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади. Бинобарин, корхона қайта ташкил этилганда илгари ишга қабул қилинган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларининг амал қилиши уларнинг розилиги билан сақлаб қолинади.

Демак меҳнат шартномасини давом эттириш истагини билдирган ходимларнинг меҳнат дафтарчаларига тегишли ёзувлар киритилиши, яъни қайта тузилган корхонанинг номи ва унинг асослари ёзиб қўйилиши шарт. Бу ёзувларни ёзишдан олдин меҳнат дафтарчасини тўлғазиш ҳуқуқи берилган ходимнинг меҳнат дафтарчасидаги имзоси корхонанинг олдинги муҳри билан тасдиқланиши керак. Чунки корхонанинг янги муҳри олинганда унинг эски муҳри албатта ички ишлар бўлимига топширилади.

Корхона қайта тузилганда меҳнат муносабатларини давом эттириш истагини билдирмаган ходимларни нима қилиш керак, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Бу ҳолда Меҳнат кодексининг 89-моддасини 4-қисмига амал қилган ҳолда ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин ва ходимга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нақафаси тўланади.

Савол: агар ходимнинг меҳнат таътили дам олиш кунидан бир кун олдин тугаса, ходим ўртадаги бир кунда ишга чиқмаса, прогул ҳисобланадими?

Х.ЖЎРАЕВ, Шўртан газ кимё мажмуаси кадрлар бўлими бошлиғи

Жавоб: бу саволга жавоб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 120,174,176,181 ва 182-моддаларига мурожаат қилиш зарур.

Меҳнат қонунчилигида иш вақти режими деганда ходимлар учун белгиланган иш вақти муддатининг муайян календар даври, яъни сутка, ҳафта, ой ва шу кабилар доирасидаги тақсимоти тушунилади. Ходимлар учун иш вақти режими корхонанинг локал меъёрий ҳужжатларида, бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса, корхонанинг иш режимини инобатга олган ҳолда меҳнат шартномасида тарафларнинг ўзаро келишувига биноан белгилаб қўйилади. Бу иш режими бир томондан корхона зиммасидаги вазифалар бажарилишини, иккинчи томондан эса, қонун ҳужжатларида, локал меъёрий ҳужжатлар ёки меҳнат шартномасида ҳар бир ходим учун белгилаб қўйилган иш вақти муддатига риоя этилишини таъмин этмоғи керак.

Меҳнат кодексида иш ҳафтасининг иккита тури назарда тутилган булар қуйидагилар:

– икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтаси;

– бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси.

Иш вақтининг нормал муддати беш кунлик иш ҳафтасида ҳам олти кунлик иш ҳафтасида ҳам қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

Корхонада меҳнат тартиби иш берувчи касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

Ходимни корхона ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилмаслиги унинг меҳнат интизомини бузганлиги деб баҳоланади. Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи Меҳнат кодексининг 182-моддаси талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақлидир.

1)ҳайфсан;

2)ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

3)меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари). Интизомий жазони қўллашда иш берувчи томонидан содир этилган ноўғри хатти-ҳаракатнинг қай даражада содир этилганлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва ҳулқ-атвори, албатта ҳисобга олиниши зарур.

Келтирилганларидан маълум бўлдики, ходимнинг сабабсиз бир кун давомида ишда бўлмаслиги унинг меҳнат интизомини бузганлиги ва прогул деб ҳисобланади.

Баркамол авлод

— Соғлом авлодни тарбиялаш, миллат генафондини шакллантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида камолга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти катта. Азалдан ўғиллари соғлом, довюрак ва полвон, қизлари дуркун ва гўзал бўлган Оролбўйида жисмоний баркамол авлодлар вояга етмоқда.

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Кейинги икки йилда Беруний туман марказидан тортиб олис овулларгача ўнлаб катта-кичик спорт иншоотлари қад кўтарди. Халқ таълими бўлимига қарашли 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва унинг ёнидаги ўйингоҳ қаровсиз ҳолга тушиб қолган эди. Иншоотни таъмирлаш учун туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлигида Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 10 миллион, ҳомий ташкилотлар ҳисобидан 80 миллион сўм маблағ ажратилди. Мукаммал таъмирлаш ишларини Беруний агроқурилиш шуъба корхонаси қурувчилари қисқа муддатда сифатли қилиб бажардилар. Ҳар томонлама қулайлик яратилган ўйингоҳда футбол, волейбол, эркин кураш, баскетбол, каратэ, енгил атлетика каби спорт турлари билан мингдан зиёд ўғил-қиз шуғулланмоқда.

— Спорт ёшларни ёмон йўллардан асрашнинг энг самарали воситаси ҳисобланади, - дейди туман халқ таълим бўлими мудири Нурулла Рўзимов. — Биз жамоат ташкилотлари ва ота-оналар билан ҳамкорликда болалар қизиқишини ҳисобга олган ҳолда уларни спортнинг ҳар хил турларига жалб этганмиз. Жисмоний машқларни ўтказишда ўғил-қизларнинг ёши, соғлиги ва хоҳиши ҳисобга олинади.

Халқ таълими бўлимига қарашли 70 та мактабнинг ҳаммасида спорт майдончалари мавжуд. Айниқса, 1- ва 2- болалар ва ўсмирлар спорт мактабида таълим олаётган 1100 дан ортиқ ёшлар 87 гуруҳга бўлинган ҳолда машғулотларда фаол қатнашиб келаяптилар.

Халқ таълими тизими бўйича ўтказилган «Умид ниҳоллари» мусобақаларида беруний лик ўқувчилар ғолиблар сафидан ўрин олишди. «Қувноқ стартлар» ўйинида 59-мактабнинг «Турон» жамоаси Қорақалпоғистон чемпионлигини қўлга киритди. Жамоанинг ғолиблик шоҳсупасига кўтаритишда Ислом Алламов, Ирода Норбоева, Аброр Қиличев, Биродар Бакимов, Азизбек Ҳайитбоев, Ширин Худойберганов лар ўзларининг чаққон, зукко ва эпчил эканликларини намойиш қилдилар. Бундай ютуқни қўлга киришида мактаб директори Г.Ҳайитбоев, жисмоний тарбия ўқитувчилари Ж.Рисқулов, А.Машаловларнинг хизмати катта. Ғолиб ўқувчилар туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан бепул йўлланма билан тақдирланиб, оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришди.

38-ўрта мактабнинг волейболчи қизлари ўн йилдан буён республикада биринчи ўринни қўлдан бермай келишаяпти. Туманнинг ўғил ва қиз болалар жамоаси1989-1990 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида волейбол бўйича ўтказилган республика мусобақаларида фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни эгалладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори спортнинг инсон, оила ва жамиятдаги роли, ёшларнинг жисмоний ва маънавий тарбиясидаги аҳамиятини тарғиб қилишга қаратилган. Овул ва маҳаллаларда футбол, волейбол, шоҳмот-шашка турлари бўйича уюштирилган мусобақаларда 6300 дан ортиқ йигит-қиз қатнашди. «Футболимиз келажаги» беллашуви Беруний шаҳрининг «Бўстон» маҳалласи ёш футболчилари Тўрткўл, Амударё тумани спортчиларидан устун келиб, биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Илм масканларида ишлаётган жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийларига талабчанлик кучайтирилган. Мактабларнинг 102 нафар жисмоний тарбия муаллимлари аттестациядан ўтказилиб, малакалари оширилди. Мактабларга 8,5 миллион сўмлик спорт жиҳозлари тарқатилди.

— Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган нақл бор, - дейди биз билан суҳбатда халқ таълим бўлими ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакили Ф.Собиров. - Агар ота-онанинг ўзи жисмоний тарбия ва спорт билан доимий шуғулланса, болаларни ортиқча ташвиқот қилиш шарт эмас. Шунинг учун ҳам педагогик жамоалар билан ота-оналар, оила ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш чораларини кўраяпмиз.

Жисмоний тарбия ва спортга эътибор оширилганлиги туфайли туман мактабларида таълим-тарбия самарадорлиги ва ўқувчиларнинг фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичлари яхшиланиб бораяпти.

ЁЛҚИН

«СЕВИНЧ» — КУБОК СОҲИБАСИ

Бугун пойтахтимиздаги "Қибрай" стадионида футбол бўйича аёллар жамоалари ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақалари якунланди. Ниҳоятда қийин кечган финал матчида Қарши шаҳрининг "Севинч" жамоаси "Андижанка" жамоаси устидан 1:0 ҳисобида ғолибликни қўлга киритди. Ва улар кубокнинг мутлоқ ғолибига айланди.

Шунингдек, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари келгусида аёллар ўртасида Таиландда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати мусобақаларида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритдилар.

Суратларда: финал учрашуви ва ғолибларни мукофотлаш маросимидан лавҳалар.

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар

«ТУРОН» ЯККАКУРАШНИНГ БИР ТУРИ

«Пахлавон» спорт-соғломлаштириш мажмуида ўсмирлар ўртасида «турон» кураши бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақаларда 1988-1989 йилларда туғилган икки юздан ортиқ ёш спортчи иштирок этди.

Шахсий биринчиликда қизлар беш, йигитлар эса ўн бир вазн тоифасида беллашди. Мусобақада Тошкент шаҳри, Наманган ва Фарғона вилояти вакиллари энг яхши натижаларга эришди.

- «Турон» яккакурашнинг бир тури ҳисобланади, - дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Нозим Мамаджонов. - У курашнинг бир неча турини ўзида мужассамлаштирган. Кейинги йилларда мамлакатимизда «турон» кураши тобора оммалашиб бормоқда. Бу йил «турон» кураши бўйича вилоят федерациясининг ташкил этилиши спортчиларимиз республика мусобақаларида яхши натижаларни қўлга киритиши учун янги имконият яратди.

Эътиқод

Ёшларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш, хотин-қизларнинг ижтимоий хаётдаги ўрни ва мавқеини кучайтиришга муносиб хисса қўшганлиги учун бир гуруҳ юртдошларимиз қатори Қашқадарё вилояти каратэ федерациясининг мураббийси София Каспулатова ҳам Президентимиз Фармонига асосан «Шухрат» медали билан мукофотланди.

ҚЎЗЛАРИМНИНГ ҚАРОҒИ ВАТАН

Софияни каратэчи қизлар билан машғулот ўтказиб турган пайтда учратдик. Кайфияти аъло, юксак мукофот кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшган. Нафақат жисмонан, балки маънан кўтаринкилик бағишлаган. Ёшларга оғир ва машаққатли спорт тури сирларини қунт билан ўргатаяпти.

– Ўн бир ёшимда каратэга қизиқиб, машғулотларга қатнаша бошлагандим, – деди спорт мураббийси биз билан суҳбатда. 4-ДАН қорабелбоғ соҳиби Алишер Содиқов раҳбарлигида машғулотларда фаол қатнашдим.

София каратэга бўлган меҳр-муҳаббат туфайли машаққатлардан ортга чекинмади. Қарши Давлат университетининг жисмоний маданият ва спорт факультетини битирди. Мураббийларидан олган назарий билимларини амалий машғулотларда мустаҳкамлади. Софиянинг довруғи йилдан йилга ошиб борди. Дунё бўйлаб ўтказилган мусобақаларда бир неча бор ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Мустақиллик кашф этган имкониятлар спортчи қизга битмас-туганмас куч-ғайрат ва қувват бағишлади.

Спорт гўзаллик ва нафосат элчиси, деб бежиз айтишмаган. Бундан беш йил муқаддам Венгрияда ўтказилган жаҳон кубоги, 2001 йил Грецияда ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати, Кореянинг Пусан шаҳрида уюштирилган Осиё ўйинларида совринли ўринларни қўлга киритди.

Тўрт йил илгари Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида катталар ўртасида Осиё чемпионатида, 2004 йил IV Осиё чемпионати ва Туркиядаги кубок баҳсларида, 2005 йил Макаода ўтказилган Осиё чемпионатида 60 килограммдан юқори ва мутлақ вазн бўйича биринчи ўринни эгаллаб, иккитадан олтин медал соҳиби бўлди.

– Юртбошимиз таъкидлаганларидек, Ватан саждагоҳ каби муқаддас, – дейди София олисларга ўйчан боқиб. – Уни севиш, қадрлаш, зарур бўлса жон фидо этиш имоний бурчдир. Биз киндик қонимиз тўкилган она юрт, муқаддас тупроқ билан фахрланамиз. Мусобақаларда ғолиб чиққанимда Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси ижро этилса, бошим узра мамлакатимиз байроғи ҳилпираб турса, кўзларимга ёш келади.

Каратэ мардлар ва иродаси мустаҳкам кишилар шуғулланадиган спорт тури. Эндигина 22 ёшга қадам қўйган София Каспулатованинг эришган ютуқлари унча-мунча одамга насиб этавермайди. Унга 19 ёшида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» юксак унвони берилди.

2-ДАН қорабелбоғ соҳиби София Каспулатова устозларидан олган билимларини ёшларга пухта ўргатмоқда. Вилоятда каратэчи қизлар кўпайиб бораётганлиги, мусобақаларда совринли ўринни эгаллаётганлиги ёш мураббийни, айниқса, қувонтирди. Қашқадарёлик спортчилар мамлакат, Осиё ва жаҳон чемпионатларида 39 та олтин, 24 та кумуш, 43 та бронза медалини қўлга киритганликлари, воҳа ёшлари орасида 14 нафар жаҳон, 23 нафар Осиё чемпионлари етишиб чиққанлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

– Хотин-қизлар ўртасида спорт оммалашиб бормоқда, – дейди София ғурур билан. – Косонлик курашчи қизлар Марина Қодирова, Дилшода Ҳазратова, Гулруҳ Раҳмонова, ёш шоҳмотчилар Сарвиноз Эргашева, Умида Чоршанбиева, Нодира Нодиржоновалар халқаро мусобақаларда ғолибликни эгаллаб келишаяпти.

Спортчининг ҳаёти миллат ва ватан тақдири билан боғлиқ эканлигини София Каспулатова қалбдан ҳис этади. Ҳар гал ғолиблик шоҳсупасига кўтарилганда ортида буюк истиқлолга эришган она Ватани, танти ва фидойи халқи турганлиги билан фахрланади. Ана шу ғурур унинг кучига-куч, қувватига-қувват қўшади, иродасини мустаҳкамлайди. Ватан муҳаббати ғолибликка ундайди.

И.ҚАРШИЕВ

Бу, айниқса, енгил атлетика турида якқол кўзга ташланади. Финиш чизиғига яқинлашган сари спортчилар бирдан жонланиб колишади. Энг сўнгги куч ишга солиниб, маррани биринчи бўлиб, кесиб ўтиш учун муросасиз кураш олиб борилади. Натижада гуруҳдан кимдир ажралиб чиқиб, ташаббусни қўлга олади. Бугун футбол бўйича миллий чемпионатимизда ҳам шундай манзарани кузатиш мумкин.

МАРРА ЯҚИН

Хабарингиз бор, «Насаф» жамоаси мавсумни жуда кўтаринкилик билан бошлади. Узоқ вақт турнир жадвалини бошқариб турди ҳам. Гўё клуб улоқни ҳеч кимга бермайдигандек эди. Айниқса, Қаршида амалдаги чемпион «Пахтакор» устидан ғалабага эришилгач, бунга ишонувчи мутахассису мухлислар сони кескин ошиб кетди. Лекин, таъбир жоиз бўлса, финиш чизиғига яқинлаша борган сари «Насаф»нинг нафас олишида чарчоқ сезилиб қолди. Нурсиз ўйинлар ва бир қатор мағлубиятлар унинг мавқеига таъсир кўрсатди. «Пахтакор» карвонбоши бўлиб олгани етмаганидек, воҳадошлари «Машъал» клубининг одимлари ҳам салмоқли бўла борди.

Айни пайтда бу икки жамоанинг қайси бири иккинчи, қайси бири учинчи ўрин соҳиби бўлишини башорат қилиш қийин бўлиб қолди. Айрим сабабларга кўра икки куч кечиктирилган 24-тур ўйинларининг дастлабкисиёқ, энди ҳар бир очко, ҳар бир тўп учун қизғин беллашувлар гувоҳи бўлишимизни гўёки яна бир карра тасдиқдан ўтказди. Айниқса, «Бухоро» ва «Насаф» ўртасида кечган учрашув қизиқарли тус олди. Очиқ тан олиш керак, Усмон Тошев шогирдлари анча шиддаткорона суръат намойиш этиб, ғалаба учун астойдил ҳаракат қилдилар. Иккинчи томондан меҳмонлар ҳам бўш келмаслик, иложи борича сафардан уч очко билан қайтиш пайида бўлдилар. Натижада ўйин дуранг билан ниҳоя топиб, ҳар икки команда биттадан очко насиб этди.

«Самарқанд-Д» ва «Металлург» ўртасидаги учрашувда майдон эгаларининг ғалабага бўлган иштиёқи ўз самарасини берди. Кейинги пайтларда ўз ўйинини топиб ола бошлаган бекободликлар ҳар қанча қаршилик қилмасин, томошабинлар олқиши остида ҳаракат қилган мезбонларнинг кўли баланд келди – 2:1.

Вадим Абрамовнинг зафарли юриши ҳамон давом этмоқда. Бу гал трактторсозлар

олий лига дебютанти «Шўртан» жамоаси устидан 3:1 ҳисобида зафар қучдилар. Бу уларнинг мавқеи янада яхшиланишини таъминлади.

Турнирнинг қолган ўйинлари кеча бўлиб ўтди.

Турнир жадвали

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Пахтакор»	**22**	**18**	**2**	**2**	**71-12**	**56**
2.«Насаф»	**24**	**16**	**3**	**5**	**48-26**	**51**
3.«Машъал»	**22**	**16**	**1**	**5**	**49-22**	**49**
4.«Навбаҳор»	23	12	2	9	31-24	39
5.«Трактор»	24	12	1	11	45-43	37
6.«Нефтчи»	23	11	1	11	36-27	34
7.«Тупаланг»	23	10	2	11	32-40	32
8.«Қизилқум»	22	9	4	9	25-24	31
9.«Локомотив»	23	9	2	12	37-42	29
10.«Самарқанд-Д»	23	8	3	12	23-32	27
11.«Металлург»	24	8	2	14	30-42	26
12.«Бухоро»	24	8	2	14	35-55	26
13.«Сугдиёна»	**23**	**5**	**4**	**14**	**13-47**	**19**
14.«Шўртан»	**24**	**6**	**1**	**18**	**21-55**	**16**

Мамлакатимизда «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури асосида соғлом оилани шакллантириш, жисмонан бақувват фарзандларни тарбиялаш вазифасига катта эътибор қаратилмоқда.

НАВОИЙГА ЙЎЛЛАНМА

Дастур доирасида ўтказилаётган «Соғлом оила» спорт мусобақалари ҳам ана шу йўналишда амалга оширилаётган хайрли ишлардан саналади. Мусобақанинг Нукус педагогика коллежи спорт базасида ўтказилган Қорақалпоғистон босқичида шаҳар ва туман мусобақаларида ғолиб чиққан 16 оила иштирок этди.

Спортчи оилалар аъзолари югуриш, нишонга ўқ отиш, эстафета, арқон тортиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этди. Мусобақада биринчи ўрин энг эпчил ва чаққон деб топилган мўйноқлик Озод Олланазаров оиласига насиб этди. Ғолиб оила шу йил ноябрь ойида Навоий вилоятида ўтказиладиган беллашувнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

ТАЖРИБА МАСКАНИ

Пойтахтимиздаги «Дедеман» меҳмонхонасида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва Оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида оғир атлетика бўйича халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлашга бағишланган республика семинари бошланди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан ўттиз нафардан зиёд оғир атлетика мураббийи, мутахассис ва ҳакамлар иштирок этаётир.

Бир ҳафта давом этадиган семинарда Халқаро оғир атлетика федерацияси мутахассиси, россиялик Василий Беляев назарий ва амалий машғулотлар ўтказади.

- Ўзбекистон - кўплаб спорт турлари сингари оғир атлетика ҳам жадал ривожланаётган мамлакат, - дейди В.Беляев. - Осиёда етакчилик қилаётган ўзбекистонлик оғир атлетикачиларнинг жаҳонда ҳам мавқеи ва обрў-эътибори юксак. Чунки ўзбекистонлик спортчилар жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда мунтазам юқори натижаларга эришиб келмоқда. Мазкур семинар ҳам малакали спортчиларни тарбиялаётган мураббий ва мутахассислар тажрибасини янада оширишга хизмат қилади.

Спорт оламида

Шоҳмот

ТОПАЛОВ ФИШЕР БИЛАН ЎЙНАМОҚЧИ

Аргентинада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида биринчиликни қўлга киритиб, шоҳсупага кўтарилган болгариялик Василин Топалов, хабарингиз бўлса, Крамник билан шоҳмот тожи учун жангга киришмаслиги тўғрисида баёнот берган эди.

Лекин у барчани ҳайратда қолдириб, яқин орада аввал "Гидра" компьютери, сўнгра кимсан Бобби Фишер билан учрашув ўтказиши мумкинлиги тўғрисида хабар тарқатилди. Агарки бу хабар унинг менежери Сильвио Дамаиловга тегишли эканлигини инобатга оладиган бўлинса, Топалов ўз фаолиятини ўтмишдошларига ўхшамаган тарзда қуришга аҳд қилганлиги аён бўлади.

ОЗАРБАЙЖОН МУСТАҚИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Бокуда Озарбайжон мустақиллиги кунига бағишлаб ўтказилган аёллар ўртасида халқаро шоҳмот турнири ниҳоясига етди. У жуда кўпчилик учун кутилмаган натижани туҳфа этди. Узоқ вақт пешқадамлик қилган россиялик Екатерина Ковалевская сўнгги паллада ғолибликни қўлдан бой берди. 9 имкониятдан 7,5 очко жамғарган грузин шоҳмотчиси Лела Явахишвили зафар қучди ва бош мукофот соҳибасига айланди.

Бокс

РУИС ҒИРРОМЛИККА ҚАРШИ

Ҳадемай, 31 октябрдан 5 ноябрга қадар Жанубий Кореяда WBA ташкилотининг бутунжаҳон конгресси ўтказилади. Шу муносабат билан ушбу йўналиш бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Джон Руис мурожаат билан чиқди. У боксчилар рухсат этилмаган препаратлардан фойдаланаётганлигига эътиборни қаратиб, вақти-вақти билан допинг-тест ўтказишни йўлга қўйишни таклиф этди.

- Ҳозир боксчилар допинг қабул қилсалар-да, жазодан қутилиб қолмоқдалар, - деди у. - Допинг спортчининг кучига куч қўшади ва у рақибини ёмон оқибатларга олиб келувчи зарба билан мажруҳ қилиб қўйиши мумкин. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

Эслатиб ўтамиз, Руис баҳор фаслида Джеймс Тони билан бўлган жангда мағлубиятга учраган. Лекин рақиби допинг-тестдан ўтмагани учун олтин камар яна унга қайтариб берилган эди.

ШАРАПОВА ЭНДИ БИРИНЧИ ЭМАС

Кечаги кунгача Мария Шарапова жаҳоннинг биринчи ракеткаси эди. Энди бу ўрин америкалик Линдсей Дэвенпортга тегишли бўлди. Россиялик теннисчи ўтган йили финалга қадар етиб борган нуфузли Цюрих турнирида қатнашмаганлиги унинг рейтинг очколарини пастга тушириб юборди. У энди бор-йўғи учинчи ўринда.

Иккинчи ўринга бельгиялик Ким Клийстерс чиқиб олди.

Шарапова ўз мавқеини тиклаб олиш учун ушбу мавсумнинг энг сўнгги турнири - Лос-Анджелесда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритиши лозим. Ўтган йили у бунинг уддасидан чиққан эди. Лекин у ҳозир жароҳатидан сўнг ўз спорт формасини тиклаш билан машғул. Бинобарин, чемпионатгача улгуролмаслиги эҳтимолдан холи эмас.

Футбол

ШЕВЧЕНКОГА ОМАД КУЛИБ БОҚАРМИКАН?

France Football журнали "Олтин тўп" учун даъвогарлар рўйхатини ошкор этди. Анъанага кўра Европа чемпионатларида қатнашаётган 50 футболчи номи маълум қилинди. Уларнинг 10 нафари Бразилия вакилларидир.

Франция ва Англиядан еттитадан номзод тақдим этилди. Рўйхатда жами 17 мамлакатдан вакиллар бор. Шарҳловчиларнинг эътирофича, Европанинг ўтган йилги энг яхши футболчиси Андрей Шевченко яна ушбу унвонга лойиқ топилиши мумкин.

Бир йил муқаддам у "Милан" таркибида ажойиб ўйин кўрсатган эди. Бу мавсумда ҳам ёмон иштирок этмаяпти. Саккиз учрашувда бешта тўп киритди. Энг муҳими, Украина терма жамоаси биринчи марта жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бунда, шубҳасиз, А. Шевченконинг катта ҳиссаси бор.

"РЕАЛ"НИНГ НОРОЗИЛИГИ

Мадриднинг "Реал" клуби раҳбарлари "Валенсия" жамоаси билан ўйинда ҳакамлик қилган Дауден Ибаньес устидан расмий норозилик хати берди. Норозиликка сабаб бўлган ҳолат чиндан-да асослидек туюлади. Ўша ўйинда бир неча сония ичида ҳакам Бэкхемга иккита сариқ карточка кўрсатиб, уни майдондан четлатган эди. Биринчи сариқ карточка унга ҳакам Раулга огоҳлантириш берганига норозилик билдиргани учун бўлса, иккинчиси унинг ҳакамнинг шундай қарорга келганлигини қарсак чалиб олқишлагани учун кўрсатилган эди.

З.РИХСИЕВ тайёрлади

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616 12345